Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
6 октябрь
ЧОРШАНБА

№ 79
(12.299)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

«ТОШКЕНТ-ТОЛА»:

## СИФАТ ВА САЛМОҚ ОРТМОҚДА

**Шу йил 13-15 октябрь кунлари пойтахтимизда VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтади**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида пахта хом ашёсини етиштириш ва экспорт қилиш тармоғида амалга оширилган туб ўзгаришлар самарасида юртимиз пахтакорларининг меҳнати кенг қадр топмоқда.

Сифати жаҳон андозаларига тўла мос пахта толамизнинг асосий қисми Хитой, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур, Польша, Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлар томонидан харид қилинмоқда. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари тўқимачилик корхоналарининг ўзбек толасига эҳтиёжи тобора ортаётир.

Таъкидлаш жоизки, пахтакорларимиз етиштираётган юқори сифатли тола узунлиги, пишиқлиги, ранги ва микронейр кўрсаткичлари жиҳатидан хорижлик харидорлар томонидан халқаро миқёсда тан олинган. Юртимизда етиштирилган пахта толасини сотиш ва қайта ишловчиларга бевосита етказиб бериш, ўзбек пахтасининг нуфузи ҳамда экспорт салоҳиятини янада оширишда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган анъанавий халқаро пахта ярмаркаси муҳим аҳамият касб этаётир. Мазкур тадбир маҳсулотни харидорга тўғридан-тўғри етказиб бериш механизмини янада такомиллаштириш, хорижлик харидорлар сафини кенгайтириш имкониятини яратмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида ғўза парваришидан тортиб, уни толага айлантириш ва экспортга чиқаришгача бўлган барча жараёнларда замонавий усул ҳамда техникадан унумли фойдаланилмоқда. Пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш кейинги йилларда экспорт қилинаётган тола сифатини ошириш имконини бераётир. Барча хизмат турларига эга ҳамда маҳсулотни сифатли сақлаш ва жўнатишни таъминлайдиган минтақавий терминаллар фаолияти эса бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Юртимизда пахтакорларимиз етиштирган толани харидорларга пешма-пеш етказиб беришни йўлга қўйишга ихтисослашган 22 минтақавий пахта терминали фаолият юритмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июнда қабул қилинган "Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

"Тошкент-Тола" терминали улар орасида энг йириги. Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган мазкур терминал Тошкент вилоятининг тўққиз пахта тозалаш корхонаси ҳамда Андижон, Наманган, Фарғона вилоятида тайёрланган толани "Ўзсаноатмашимпекс", "Ўзмарказимпекс", "Ўзинтеримпекс" давлат акциядорлик ташқи савдо компаниялари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ички истеъмолчилар ҳамда хорижлик харидорларга етказиб бермоқда.

Яратилаётган имкониятлар ва сифатли пахта хом ашёсига ортаётган талаб самарасида толамизнинг харидоргирлиги ошмоқда. Мисол учун, "Тошкент-Тола" терминали ташкил этилган йили харидорларга 75 минг тоннага яқин тола етказиб берган бўлсак, 2009 йилда бу кўрсаткич 135 минг тоннани ташкил этди. Эътиборлиси, пахта толасининг 90 фоизи олий ва биринчи навларга сотилмоқда.

Айни пайтда "Тошкент-Тола" терминалида 13-15 октябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Ушбу анъанавий ярмарка йилнинг энг қулай вақти – пахта толаси бозорида савдо фаоллашган пайтда ташкил этилиши ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар учун бирдек манфаатлидир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**



## ҲАР ДОНАСИ БОЛ МИСОЛ

**Паркент боғларида узум ғарқ пишди. Бугун қишлоқ йўлларида узум ортилган машиналар турнақатор. Боғларда эса, соҳибкорлар ҳосилни саралаб узиш билан банд.**

**Бу йил "Қизил тупроқ" фермер хўжалиги токзорларида ҳосил мўл бўлди.**

– 22 гектар боғимиз бор, – дейди фермер Ботир Абдиев. – Олма, олхўри, шафтоли, гилос етиштирамиз. 11 гектар майдонда эса кишмиш, тоифи, баян-ширин нав узум ҳосили сероб. Шу кунларда боғларимизнинг ширин-шакар неъматларини шартнома асосида бозор ва қайта ишлаш корхоналарига жўнатаяпмиз.

СУРАТДА: фермер Ботир Абдиев ҳосил чўғидан хурсанд.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

**Пойтахтда ZiyoNet тармоғидан самарали фойдаланишга оид ўқув-услубий ишларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

## ТАЪЛИМДА ЯГОНА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу семинарда таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари мутахассислари, информатика фани ўқитувчилари ва услубчилар иштирок этди.

Тадбирда ZiyoNet жамоат таълим ахборот тармоғидан самарали фойдаланишга оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди. Шунингдек, семинарда амалий машғулотлар ҳам ўтказилди.

**"Туркистон-пресс".**

## ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚ КЕРАК

**Вилоят ИИБ Жазони ижро этиш бош бошқармасига қарашли Чирчиқ шаҳридаги 6-сонли тарбия колониясида жазо муддатини ўтаётган бир гуруҳ фуқаролар озодликка чиқарилди.**

Олий Мажлис Сенатининг шу йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида қилинган мазкур тадбирда тегишли идора вакиллари ва озодликка чиқарилганларнинг яқинлари иштирок этди.

– Амнистия қарори биз каби фуқароларга билдирилган ишончдир, – дейди колония тарбияланувчиси Тўлқин Абдиев. – Озодликка чиққач, хатоларимни такрорламасликка, эл корига ярашга ва ҳалол меҳнат орқали кун кечиришга ҳаракат қиламан.

**Наргиза АСАДОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

### Тошкент вилояти ҳокимининг қарори

**Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани ҳокими лавозимига Ускенбай Атемов 2010 йил 30 сентябрдан тайинлансин.**

Ушбу қарор Халқ депутатлари Юқоричирчиқ туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ.**
2010 йил 30 сентябрь.

### Тошкент вилояти ҳокимининг қарори

**Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ҳокими лавозимига Абилов Қаҳрамон Қобилжанович 2010 йил 30 сентябрдан тайинлансин.**

Ушбу қарор Халқ депутатлари Оққўрғон туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ.**
2010 йил 30 сентябрь.

### Тошкент вилояти ҳокимининг қарори

**Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Тошкент вилояти Пискент тумани ҳокими Салимов Комилжон Аҳмаджанович 2010 йил 30 сентябрдан эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Пискент туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ.**
2010 йил 30 сентябрь.

ИФТИХОР



## ҚИШЛОҚ АҲЛИГА ҒАМХЎРЛИК

**Шу йилнинг ўтган саккиз ойи давомида вилоятда қарийб 51 километр газ ва 130 километрдан ортиқ сув қувурлари тортилди.**

Бу кенг миқёсли саъй-ҳаракатлар, айниқса, энг чекка ва олис қишлоқлар аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш, ҳаёт фаровонлигини оширишдек хайрли мақсадларга қаратилмоқда.

ПАХТА – 2010

## ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛА

**Пахтазорларда ҳал қилувчи дамлар бошланди. Сўнгги кунларда 147 та фермер хўжалиги давлатга пахта топшириш шартнома режасини бажарди. Умуман, бугун 280 фермер бор имкониятларни шартномага қўшимча пахта хом ашёси топширишга сафарбар этмоқда. Пахтазорларда терим қизғин давом этаётир.**

Қуйида мавсум ғолибларига сўз берамиз.

**Чиноз туманидаги "Шарифбой ота" фермер хўжалиги раҳбари Лутфулла Шарифбоев:**

– Хўжалигимиз 1999 йили ташкил этилган. Дастлаб 18 гектар ерда 8 киши билан иш бошлагандик. 2006 йилга келиб еримиз 95 гектарга, ишловчилар 40 нафарга етди. Кейинги йилларда 50 гектар ерда буғдой, 42 гектар майдонда пахта етиштиряпмиз.

Бу йил "С 6524" нав пахта экиб, гектаридан 31 центнердан ҳосил олиб, контрактация шартномасини биринчи теримнинг ўзидаёқ бажардик. Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Яна 20 тоннага яқин пахта топшириш ҳаракатидамиз.



**Ўртачирчиқ туманидаги "Миразиз нур агро" фермер хўжалиги раҳбари Равшан Рўзматов:**

– Биз пахтачиликда асосан икки омилга оғишмай амал қиламиз. Биринчиси – ҳар қандай шароитда ҳам барча майдонларда бирдек мўл ҳосил етиштириш. Зеро, қозонда бўлса, чўмичга чиқади. Иккинчиси – ҳосилни тез йиғиб-териб олиш имконини берувчи барча омилларни ишга солиш. Акс ҳолда, терим чўзилиб, ёғин-сочинли кунларга қолиб кетади. Оқибатда, хирмоннинг чўғидан ҳам, хом ашёнинг сифатидан ҳам ютқазилиб, даромаднинг баракаси учади.

Дарвоқе, 2008 йили 31 миллион сўм кредит ҳисобига "Беларус-80" тракторини сотиб олгандик. Кредит муддати 3 йил эди, лекин биз 2 йилда қарзимиздан қутулдик.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

СУРАТДА: теримчилар Гўзал Рустамова, Азиз Акромов, Покиза Обидова, Сирожиддин Бобоев, фермер Лутфулла Шарифбоев (чапдан учинчи) билан суҳбатлашишмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

ИЖРО ИНТИЗОМИ

## ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИЗЧИЛ ҲИМОЯДА

**Юртимизда бозор муҳитига мослашиб, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаётган ишлаб чиқаришлар қаторида хориж инвестицияси жалб этилган қўшма корхоналар ҳам экспорт ва валюта тушумининг кўпайишига хизмат қилмоқда. Ёшларни муқим иш билан таъминлаш имкониятлари кенгаймоқда.**

Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун эса етарли ҳуқуқий асос яратилган. Вазирлар Маҳкамасининг "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори чет эл ва қўшма корхоналарнинг самарали фаолият юритишларини таъминлаяпти.

Ҳозирги пайтда вилоятимизда 230 тадан ортиқ хорижий ва қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Хорижий инвесторларга яратилаётган шарт-шароитлар, амалдаги қонунчиликка биноан уларга берилаётган имтиёзлар бундай корхоналар кўпайишига омил бўлаяпти. Адлия идоралари хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга катта эътибор қаратмоқда.

Шу мақсадда мониторинглар ўтказиляпти, "Ишонч телефони" орқали корхоналар билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиб, уларнинг равон фаолият юритишига тўсқинлик қилаётган ҳолатлар ўрганилиб, бартараф этилмоқда.

Хусусан, адлия бошқармаси йил бошидан буён қўшма корхоналар манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан вилоят хўжалик судига 454 миллион 802 минг 261 сўмлик 194 та даъво аризаси киритилди. Шундан 149 таси қаноатлантирилиб, қўшма корхоналар фойдасига 453 миллион 540 минг 958 сўм ундирилди.

Республика Президенти ва ҳукуматнинг шу масалаларга оид қарорлари ижроси, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига риоя қилинишини ўрганиш жараёнларида Ангрен, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарларида хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар билан ишлашда муайян камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

(Давоми 2-бетда).

## 2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

# УСТОЗЛАР ҲАМИША АРДОҚДА

**Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан жойларда байрам тадбирлари ўтказилиб, ёш авлод таълим-тарбиясида алоҳида ўрнак кўрсатган устозлар меҳнати тақдирланди.**

Ўзбекистон Республикаси Миллий тикланиш демократик партияси вилоят кенгаши ижроия қўмитаси вилоят туман ва шаҳарлари мактаб ва коллежларининг педагогик жамоалари билан учрашувлар ўтказди.

Оққўрғон туманидаги 31-ўрта умумий таълим мактабида фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ва Зангиота туман ҳокимлиги ҳамкорликда уюштирган тадбир "Ёшларга таълим-тарбия беришда ва баркамол авлодни шакллантиришда устоз ва мураббийларнинг ўрни" мавзусига бағишланди. Унда Миллий тикланиш демократик партиясининг Оққўрғон ва Зангиота туман кенгашлари ижроия қўмиталарининг масъул ходимлари, халқ депутатлари вилоят кенгашининг депутатлари, 31-мактаб ҳамда Тошкент туман иқтисодиёт коллежининг педагогик жамоаси вакиллари иштирок этишди.

– Ҳеч бир тарбия жараёни самарадорлиги жиҳатидан мактабда бериладиган кўникмаларга тенглаша олмайди. Боланинг келажакда ким бўлиб етишишида, қандай хулқ, хислат ва дунёқарашга эга бўлишида мактабдаги таълим-тарбия жараёни асосий ўринни эгаллайди, – дейди Миллий тикланиш демократик партиясининг Тошкент тумани кенгаши ижроия қўмитаси раиси Ҳакимахон Назарова. – "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда биз устоз ва мураббийларга таянамиз. Уларнинг бевосита ёрдами ва хайрихоҳлигини ҳис этиб турамиз.

Тадбирда сўзга чиққанлар устоз ва мураббийлар шаънига илиқ сўзлар айтишди. Ташкилотчилар бир гуруҳ фидойи ўқитувчиларни байрам совғалари билан сийлашди.

**Абулфайз САИДАСҚАРОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



**Шу кунларда Ойбек – Зафар оралиғидаги йўлда иш қизғин. «Карвон йўл» хусусий корхонаси йўлсозлари тендерда ғолиб чиқиб, Тошкент – Бекобод йўлининг бу қисмини таъмирлашяпти. Уни кенгайтириш, текислаш, асфальт ётқизишда энг янги хорижий техника ва механизмлардан фойдаланиш иш унумли ва сифатли бажарилишини таъминламоқда.**

СУРАТЛАРДА: участка бошлиғи Константин Асриев ишчилардан Раҳматулла Аржанов ва Нурали Нурниёзов билан; йўлни таъмирлаш жадал давом этяпти.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

## ХХI аср ва дунё

### ЧАВЕС МИЛЛИЙЛАШТИРИШНИ ТАЛАБ ЭТДИ

**Венесуэла президенти Уго Чавес Agroflora компаниясига қарашли ер, ферма ва подаларни дарҳол миллийлаштиришни талаб этди.**

Merko Press агентлигининг шу ҳақда тарқатган хабарига кўра, юқоридаги фирма Compania inglesa CA нинг назоратида. У эса Vestey Group билан алоқада. Бу гуруҳга британиялик бизнесчи лорд Вестининг оиласи эгалик қилади. Гуруҳнинг бир йиллик даромади 770 миллион доллар.

Кейинги бир неча йил давомида Чавес Венесуэланинг хорижий фирмаларга қарашли корхоналарини давлат тасаррufига қайтариб олган эди. Мамлакат ҳукумати чет эллик акциядорларнинг сиёсати Венесуэла манфаатлари талабларига жавоб бермайди, деган фикрда. Шу нуқтаи назардан нефть, цемент, пўлат қуйиш ва медиакомпаниялар миллийлаштирилган эди.

### «ТОЛИБОН» АВТОКОЛОННАГА ЎТ ҚЎЙДИ

**"Толибон" жангарилари Покистонда НАТО автоколоннасига ҳужум уюштирди, дея хабар тарқатди Associated Press агентлиги.**

Автоколонна Халқаро ёрдам кучлари учун Афғонистонга ёнилғи олиб бораётган эди. Жангарилар оз сонли қўриқчилар қаршилигини енгиб, ёнилғи юкланган цистерналарни ўққа тутдилар ва ёқиб юбордилар. Камида 20 та юк машинаси ёниб кетди.

Покистон полицияси маълумотларига кўра, ҳужум натижасида уч киши ҳалок бўлди. Аммо, уларнинг жангари ёки ҳарбий хизматчилар эканлиги маълум қилинмаган.

Бу Покистонда кейинги бир неча кун ичида НАТО автоколоннасига учинчи ҳужум. Иккита ҳужум учун жавобгарликни "Толибон" ўз зиммасига олди. Юз берган воқеани изоҳлаб, толибонлар алоҳида қанот тузганликларини маълум қилишди. У Афғонистонга юк ташиш тўхтатилмагунча НАТО автоколонналарига ҳужум қилаверади.

### ҚИРОЛ ОИЛАСИ МУҲОФАЗАНИ КУЧАЙТИРДИ

**Буюк Британияда террорчилик акти хавфи муносабати билан қироллик оиласи аъзолари ҳимояси кучайтирилди. Бу ҳақда The News of The World хабар тарқатди.**

Британия махсус хизматининг тахмин қилишича, террорчилар ҳужум қилиши аниқроқ бўлган объект Афғонистонда хизмат қилиб қайтган шаҳзода Гарри бўлиши мумкин. У тунги клубларга тез-тез бориб туриши билан яхши танилган. Аммо хавф кучайганлиги муносабати билан унга бундай жойларга камроқ бориш тавсия этилди.

Матбуотнинг тахминига қараганда, қироллик оиласига ҳам ислом, ҳам ирланд террорчилари ҳужум қилишлари мумкин. Бошқа тахминлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Кейинги пайтда махсус хизматлар Европада бир қатор террорчилик ҳаракатининг олдини олди. Террорчилар мўлжалга олган нишонлардан бири Лондон эканлиги маълум қилинди. Аммо, қироллик оиласи муҳофазасининг кучайтирилгани шу вазият билан боғлиқ ёки йўқлиги маълум қилинмаган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

### НИГОҲ

# ЙИГИТЛАР АРМИЯДАН НЕГА БЕЗИШГАН?

**Тожикистон ҳукумати назорати остидаги газета-журналларнинг миллий армия фаолиятига оид мақолаларини ўқиб: "Наҳотки, шу бизнинг қуролли кучларимиз бўлса?" дея ҳайратдан ёқа ушлайсиз.**

Нималарни ёзишмайди дейсиз. Ҳақиқатда эса аҳвол мутлақо ўзгача. Бизга хабар беришларича, 1 апрелдан 31 майгача Тожикистоннинг бутун ҳудудида Қуролли кучлар сафига кўкламги чақирув тадбири ўтказилди. Режа эса бор-йўғи 65 фоиз бажарилди.

Бунинг сабаби ҳаммага маълум. Чақирув ёшидаги йигитларнинг кўпчилиги пул ишлаб топиш дардида чет элларга чиқиб кетишган бўлса, қолганлари ҳарбий хизматни ўташни исташмаса, армияни қандай тўлдириш мумкин? Аммо раҳбарият қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Президент девонининг кўрсатмасига биноан, Округ офицерлар уйи (ООУ) жойларда хонадонларни кўздан кечириб, беркиниб олган йигитларни топиб, мажбуран армия сафларига жўнатишга ҳаракат қилмоқда.

Шу жараёнларда айрим мансабдор шахслар салла ўрнига калла олиб, қонун чегарасидан чиқиб кетиб, жиноий жавобгарликка тортиладиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймоқдалар.

Масалан, хонадонларни тинтиш пайтида ООУ ходимлари чақирув ёшидаги йигитларни топишолмаса, уларнинг яқин қариндошлари бўлган эркакларни қўлга олиб, ООУ ихтиёрига топширдилар. Фақат чақирилувчи йигитлар ўз ихтиёрлари билан келгач, қариндошларини озод қилишди.

Қизиғи шундаки, айрим ООУ ходимлари шу ноқонуний хатти-ҳаракатлардан фойдаланиб, ҳамёнларини дурустгина қаппайтириб олдилар. Қўлга олинган айрим қариндошлар 800 дан 1500 долларгача пора эвазига ўзларини озод этишди.

Албатта, ҳарбийларнинг қуракда турмайдиган бундай хурмача қилиқлари мамлакат аҳолиси ўртасида кучли норозилик келтириб чиқарди. Айрим хонадонларда ҳаддидан ошган ҳарбий комиссариат ходимларини калтаклаш ҳоллари ҳам кузатилди.

Экспертларнинг сўзларига қараганда, тожик йигитларининг армияда хизмат қилишдан бош тортаётганларининг асосли сабаблари бор. Жумладан, қуролли кучларда ҳеч қандай тартиб йўқ, ҳарбий уставга риоя этилмайди, шунингдек, аскарларни озиқ-овқат билан таъминлашда ҳам муаммолар кўп.

**Соҳибназар РИЗОЕВ.**
tajmigrant.com

## ҲАФСАЛА БЎЛСА, МУАММО ЧЕКИНАДИ

**"Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот олиб бормоқда.**

Дўконлар, бозор расталаридан ош тузини харид қилаётган вақтда унинг сифати, йодланиш даражасини аниқлаш лозимлиги, йод етишмаслиги натижасида нохуш касалликлар келиб чиқаётганлиги аҳолига тушунтирилмоқда.

Бекобод шаҳридаги С. Айний ва "Булоқариқ" маҳаллаларида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, шаҳар репродуктив саломатлик маркази, "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорликда давра суҳбати ташкил этди. Унда айниқса, ҳомиладор аёллардаги йод танқислигини камайтириш, йод дори-дармонини мунтазам истеъмол қилиш зарурлиги тўғрисида ҳам тушунчалар берилди. Суҳбатда шаҳар тиббиёт бирлашмаси шифокорлари мавзуга оид маълумотлар билан маҳалла аҳолисини батафсил таништирди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

## ИЖРО ИНТИЗОМИ

# ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИЗЧИЛ ҲИМОЯДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Чунончи, Оҳангарон шаҳар "Ахборот-маслаҳат маркази" унитар корхонаси раҳбари "DSF TEXNOLOGIE LTD" хорижий корхона ва "MICROS TEST" масъулияти чекланган жамиятга улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланишга берилган лицензияни алмаштириш чоғида Вазирлар Маҳкамаси қарори талабларига зид ортиқча маблағ ундиргани аниқланди. Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига бу маблағни қайтариш ва маънавий зарарни ундириш юзасидан даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан даъво талаблари қаноатлантирилиб, "DSF TEXNOLOGIE LTD" хорижий корхонасига 95 минг 100 сўм, "MICROS TEST" масъулияти чекланган жамияти фойдасига 109.112,5 сўм маънавий зарар ундириш белгиланди.

Шунингдек, Оҳангарон шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими хусусий мулк эгаларининг кадастр ҳужжатларини тайёрлаб бериш ҳамда бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқишда Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган "Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги йўриқнома талабларига риоя этмаган. Адлия бошқармаси вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи номига бу қонунбузилишни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритди. Оҳангарон шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг масъул ходимига ўз вазифасига лоқайдлик ва бепарволик билан ёндошгани учун ҳайфсан берилди.

Олмалиқ шаҳар давлат солиқ инспекциясида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан вилоят солиқ бошқармасига тақдимнома киритилди. У тўлиқ қаноатлантирилиб, шаҳар солиқ инспекцияси масъул ходимига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181, 182-моддаларига асосан ўртача иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима қўлланилди. Шунингдек, хато ва камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга ҳайфсан эълон қилинди.

Бундай қонунбузишлар нафақат ортиқча қоғозбозликни келтириб чиқаради, балки хорижий инвесторларнинг давлат бошқарув идораларига ишончини сусайтиради. Бошқармамиз бунинг олдини олиш мақсадида жумладан, Олмалиқ шаҳри ва Зангиота, Юқоричирчиқ туманларида хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлаб, давлат солиқ инспекцияси ва ёнғин хавфсизлиги бўлими фаолиятини ўрганди. Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Умуман, шу йилнинг биринчи ярмида бўлимимиз ариза ва шикоятлар юзасидан текширишлар натижалари бўйича тегишли идораларга 22 тақдимнома, 5 та огоҳнома киритиб, 25 та шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Маъмурий жаримага тортиш бўйича судларга 4 та таклиф киритилди.

Мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг самарали фаолият юритиши учун қонуний кафолатлар етарли эканлиги, бозор иқтисодиёти ривожига хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари амалда бекаму-кўст ишлаётгани мустақил иқтисодиётимизни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

**Тожиддин УТЕПБЕРГЕНОВ, вилоят адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси.**

## Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида

| № | Лицензиатнинг фамилияси, исми, шарифи | Лицензия рақами | Берилган санаси |
|---|---|---|---|
| 1 | Парпиева Гулнора Хамзиевна | TS 000001 | 05.08.1997 й. |
| 2 | Юлдашева Анора Маннабовна | TS 000002 | 05.08.1997 й. |
| 3 | Саидмуротова Наргиза Саидрасуловна | TS 000007 | 18.08.1997 й. |
| 4 | Лачкарёва Ольга Владимировна | TS 000010 | 18.08.1997 й. |
| 5 | Мирджалилова Насиба | TS 000011 | 18.08.1997 й. |
| 6 | Зуфарова Мукарам Хашимовна | TS 000012 | 18.08.1997 й. |
| 7 | Рахмонов Бахтиёр Эргашваевич | TS 000013 | 18.08.1997 й. |
| 8 | Каримова Зулфия Халиловна | TS 000014 | 18.08.1997 й. |
| 9 | Факирова Гульбахор Алимкуловна | TS 000016 | 18.08.1997 й. |
| 10 | Курбанова Разия Манировна | TS 000017 | 18.08.1997 й. |
| 11 | Таштанова Кумри Хакимовна | TS 000018 | 18.08.1997 й. |
| 12 | Самиев Зокиржон Миршарифович | TS 000019 | 18.08.1997 й. |
| 13 | Белогрудова Ирина Николаевна | TS 000020 | 18.08.1997 й |
| 14 | Хамидова Мухаббат Хамидовна | TS 000021 | 18.08.1997 й. |
| 15 | Шомирзаева Сайёра Зухуровна | TS 000024 | 18.08.1997 й. |
| 16 | Осмонова Зульфие Энверовна | TS 000025 | 18.08.1997 й. |
| 17 | Маматова Мухаббат Абдумаликовна | TS 000027 | 18.08.1997 й. |
| TS | Дуйсенова Земзегуль Анаркуловна | TS 000030 | 18.08.1997 й. |
| 19 | Эшназарова Аноржон Мирзатиллаевна | TS 000031 | 18.08.1997 й. |
| 20 | Аскаров Исмаил Аблкасимович | TS 000032 | 18.08.1997 й. |
| 21 | Амирова Мамлакат Мунавваровна | TS 000033 | 18.08.1997 й. |
| 22 | Пулатов Хабибулло Даминович | TS 000036 | 18.08.1997 й. |
| 23 | Юлбарисов Хикматилла Абдуллаевич | TS 000037 | 18.08.1997 й. |
| 24 | Хаджаева Гузаль Биляловна | TS 000038 | 18.08.1997 й. |
| 25 | Хошимова Машхура Абдурахмоновна | TS 000040 | 18.08.1997 й. |
| 26 | Марахимова Каромат Махкамовна | TS 000057 | 10.09.1997 й. |
| 27 | Есимқулов Сахап Танирберганович | TS 000059 | 02.10.1997 й. |
| 28 | Худойбердиев Ғопиржон Окиевич | TS 000061 | 05.12.1997 й. |
| 29 | Шарипов Абдухалил Неъматович | TS 000063 | 12.03.1998 й. |
| 30 | Алиахунов Носиржон | TS 000064 | 12.03.1998 й. |
| 31 | Каримова Барно Муминовна | TS 000069 | 22.01.1999 й. |
| 32 | Хусанова Сафия Рахмановна | TS 000070 | 22.01.1999 й. |
| 33 | Тўйчиева Шахноза Дильшадовна | TS 000071 | 22.01.1999 й. |
| 34 | Закирова Кундузхон Азатбековна | TS 000072 | 22.01.1999 й. |
| 35 | Джанбырбаева Айжан Абдималиковна | TS 000074 | 04.04.2000 й. |
| 36 | Эгамназарова Уразгул Ташпулатовна | TS 000076 | 24.03.2000 й. |
| 37 | Мадаминова Нигора Кучкаровна | TS 000077 | 24.03.2000 й |
| 38 | Далабоев Дилшод Аманбаевич | TS 000079 | 20.09.2000 й. |
| 39 | Ибадов Давранбек Саттарович | TS 000080 | 20.09.2000 й. |
| 40 | Байбутаев Достмухамет Дусбаевич | TS 000088 | 21.11.2001 й. |
| 41 | Каримова Захро Юсуповна | TS 000090 | 08.04.2002 й. |
| 42 | Халилова Гулсара Сирожиддиновна | TS 000091 | 08.04.2002 й. |
| 43 | Мухамеджанова Шохида Мухамеджановна | TS 000097 | 30.05.2003 й. |
| 44 | Набираева Флора Исмаиловна | TS 000099 | 03.10.2003 й. |
| 45 | Камбаров Камолдин Мамашарипович | TS 000100 | 30.12.2003 й. |
| 46 | Гаитова Хатирям Молотовна | TS 000101 | 30.12.2003 й. |
| 47 | Саттарова Садоқат Азимжоновна | TS 000102 | 10.02.2004 й. |
| 48 | Рашидов Хусан Муратович | TS 000103 | 10.02.2004 й. |
| 49 | Турабеков Шерзод Шавкатович | TS 000106 | 25.06.2004 й. |
| 50 | Тургунов Зафар Бахтиёрович | TS 000108 | 22.12.2004 й. |
| 51 | Исаков Абдурахим Абдурашидович | TS 000110 | 22.12.2004 й. |
| 52 | Камилова Мухаббат Нуриддиновна | TS 000109 | 22.12.2004 й. |
| 53 | Наров Рустам Иноятович | TS 000111 | 22.12.2004 й. |
| 54 | Худойбекрдиев Улуғбек Раимкулович | TS 000116 | 28.01.2005 й. |
| 55 | Абдураззакова Дилобар Хуршидовна | TS 000117 | 13.05.2005 й. |
| 56 | Шукурова Гульсум Мухамеджановна | TS 000118 | 13.05.2005 й. |
| 57 | Джабборова Дилноза Исломбековна | TS 000124 | 22.09.2005 й. |
| 58 | Шарипова Гульзира Хашимжановна | TS 000125 | 22.09.2005 й. |
| 59 | Исломбеков Шухратбек Фатхуллаевич | TS 000126 | 22.09.2005 й. |
| 60 | Таджибаева Алма Абдуракипона | TS 000127 | 28.11.2005 й. |
| 61 | Баймаков Абдурашид Аллабердиевич | TS 000128 | 28.11.2005 й. |
| 62 | Ходжаева Шахноза Бахтиёровна | TS 000130 | 23.12.2005 й. |
| 63 | Рахмонов Амрулло | TS 000131 | 23.12.2005 й. |
| 64 | Махамов Шухрат Рузиевич | TS 000133 | 06.05.2006 й. |
| 65 | Исакжанов Абдурашид Исакжанович | TS 000134 | 06.05.2006 й. |
| 66 | Ханходжаев Хурият Чирвонбаевна | TS 000135 | 06.06.2006 й. |
| 67 | Каримов Бахадир Касимович | TS 000136 | 06.16.2006 й. |
| 68 | Ниязов Умид Ирисметович | TS 000139 | 21.08.2006 й. |
| 69 | Исаханова Гулсара Ергашевна | TS 000140 | 21.08.2006 й. |
| 70 | Миролимов Шухрат Мирсоатович | TS 000151 | 28.08.2007 й. |
| 71 | Максудова Саида Зафаровна | TS 000158 | 10.01.2008 й. |
| 72 | Байрбекова Шахноза Абдурахимовна | TS 000159 | 10.01.2008 й. |
| 73 | Каримов Сардор Шамсиддинович | TS 000160 | 10.01.2008 й. |
| 74 | Атаматов Бахтиёр Ибрагимович | TS 000161 | 02.06.2008 й. |
| 75 | Имамбаева Дилорам Азизовна | TS 000162 | 07.10.2008 й. |
| 76 | Хаджиева Наргиза Абдуллазизовна | TS 000163 | 07.10.2008 й. |
| 77 | Каримов Абдувахоб Ташпулатович | TS 000164 | 31.10.2008 й. |
| 78 | Мансурова Гузаль Салахиддиновна | TS 000165 | 31.10.2008 й. |
| 79 | Эгамбердиева Хуршида Эминжановна | TS 000166 | 31.10.2008 й. |
| 80 | Балтабаев Бахтиёр | TS 000167 | 14.11.2008 й. |
| 81 | Бекмуротова Чарос Салимбоевна | TS 000168 | 03.03.2009 й. |
| 82 | Аскаров Дониёрхўжа Исмаилович | TS 000169 | 07.04.2009 й |
| 83 | Самархўжаева Лола Абдукаримовна | TS 000170 | 14.07.2009 й. |
| 84 | Юсупов Шухрат Азизович | TS 000171 | 22.07.2009 й. |
| 85 | Саттарова Нулуфар Тураходжаевна | TS 000172 | 22.07.2009 й. |
| 86 | Бакбаев Улугбек Суннатович | TS 000173 | 22.07.2009 й. |
| 87 | Юсупов Лазиз Иўлдошевич | TS 000174 | 17.09.2009 й. |
| 88 | Абдурахмонов Абдушукур Абдувохидович | TS 000175 | 20.01.2010 й. |
| 89 | Бектурганов Шохан Холдарбекович | TS 000176 | 20.01.2010 й. |
| 90 | Исакжанова Гузал Турдалиевна | TS 000177 | 12.04.2010 й. |
| 91 | Алимов Бехзод Қўрқмасович | TS 000178 | 06.07.2010 й. |
| 92 | Хайрулин Баходир Хамидович | TS 000179 | 06.07.2010 й. |

## ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

**Хушманзара Тошкент воҳаси Ўзбекистон харитасида алоҳида ўринга эга. Олимларнинг фикрига қараганда, замон ардоқлаган ва қадимий афсоналарга бой бу маскан мамлакатимизнинг энг муҳим минтақаларидан бири ҳисобланади. Уни ўрганиш Марказий Осиё ва бутун дунё халқлари тарихи учун, археология, фан ва маданият учун катта аҳамиятга эга.**

**Бўстонлиқ туманида давлат муҳофазасига олинган қадимий ёдгорликлар жуда кўп. Сирасини айтганда, бу гўзал маскан Ватанимизнинг моддий ва маънавий маданиятини ўзида мужассам этган улкан хазинадир. Айниқса, туман маркази – Ғазалкент шаҳри ва унинг ён-атрофлари ҳали кенг оммага маълум бўлмаган тарихий ва археологик маълумотларни бағрида сақлаб келмоқда.**



# КЎҲНА БЎСТОНЛИҚНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАЛАРИ

Археологлар, жумладан, Ю. Ф. Буряковнинг гувоҳлик беришларича, Чирчиқ дарёси бўйлаб Ғазалкент билан Тошкент шаҳригача бўлган 45 километрли оралиқ ҳудудда қадимда ўн еттитага яқин аҳоли истиқомат жойлари ва азим шаҳарлар бўлган. Кўплаб кўмилиб кетган қўрғонлар топилган. Ғазалкентнинг ўрнида, Оқсоқотасой этагида эса, қўрғон, шаҳристон ва работларга эга катта шаҳар жойлашган. X асрнинг эски тарихий йилномаларида бу жой Ғазал ёки Ғазак номи билан аталган.

Олимлар замонавий Ғазалкент атрофида ўнлаб қадимий қўрғонларни топдилар. Собиқ шаҳар харобалари ва қўрғонлар қолдиқларининг кўп қисми ўрганилмаган. Археологларнинг фикрига қараганда, уларнинг кўпи исломнинг келиб чиқишидан олдинроқдаги зороастризм даврига мансуб. Қўрғонларнинг айримлари эрамизнинг V-VIII асрларида бунёд этилган. Уларнинг кўпи давлат муҳофазасига олиниб, Ўзбекистоннинг "Ёдгорликлар мажмуаси"га киритилган.

Ким билади дейсиз, янги илмий тадқиқотлар жараёнида яна қандай янгиликларнинг шоҳиди бўламиз. Аммо, шуниси аниққи, қўрғонлар, қадимда инсонлар яшаган жойлар ва ундаги қабристонлар муқаддас қадамжолардир. Дастлабки илмий ишлар пайтида қадимий қазилма конларида ибтидоий эритиш печлари қолдиқлари топилди. Бу аждодларимизнинг юксак маданиятидан дарак беради. Улар нафақат уста деҳқон, балки металларни эритишни ҳам қойилмақом қилиб уддалаганлар.

Ғазалкент ва унинг ён-атрофлари ақл бовар қилмайдиган тарихий воқеа-ҳодиса ва афсоналарга бой. Ҳавоси, суви, тупроғи ўзига хос хусусиятларга эга. Ғазалкентдан бироз четроқда диний, тарихий, археологик ёдгорликлар жой олган. Улар этнографик сайёҳлик ишқибозларини қизиқтириши табиий. Масалан, Угом дарёсининг юқори қисмидаги қадимий одамларнинг ғор уйларига (эрамиздан аввалги 40-25 минг йил) ташриф ажойиб экзотик саёҳат йўналишига айланиши мумкин.

Иккинчи экзотик йўналиш Девонсойга элтади. Бетакрор геологик ҳодисаларни фақат шу ерда кузатасиз. Девонсойнинг чап қирғоғида табиатда камдан-кам учрайдиган қадимий Кайнозой (Ернинг геологик тарихида энг янги) эрасига оид қизил рангли қум-тупроқ жинслари учрайди. Вақтнинг ўзи уларда ҳайратомуз табиий ёдгорликларни шакллантирган. Кучли шамоллар таъсирида баландлиги 10 метрдан ошадиган жимжимали миноралардан иборат шаҳарча кўринишидаги ноёб манзара ҳосил бўлган.

Бу гўзал масканнинг яна бир дурдона хазинаси Оқсоқота номи билан машҳур қадимий шаҳар қолдиқларидир. Оқсоқота – Чирчиқ дарёси сойлигидаги қадимий ва кўпсонли аҳоли истиқомат маскани. Афсуски, Оқсоқотанинг ўзи яшаган жойдан ҳозир асар ҳам қолмаган. Шундай бўлсада, бу жойларга қадами етган кишилар табаррук аждодимизнинг ҳурматини бажо келтиришни унутмайдилар.



Ғазалкентдан юксак тоғларга кўтарилсангиз, Ҳожикент томонда яна бир ноёб жойга дуч келасиз. Бу – қадимий тош асрига мансуб ғор уйлар, сайёҳлар ва ўтмишга қизиқувчиларнинг севимли жойи. Кўктўнли авлиёнинг қабри бор бу ерда. Аммо, унинг аниқ ўрнини ҳозир топишнинг иложи йўқ.

Минг йиллар умр кўрган кўҳна чинорлар ўтмиш воқеа-ҳодисаларидан жимгина ҳикоя қилишади. Чунончи, Кўктўнли авлиё бу ерларга келиши билан суви шифобахш булоқ кўз очган. Балки, шунинг учун одамлар бу ердаги муқаддас тупроққа, "кўпни кўрган" чинорларга, ҳатто, ҳайбатли юмалоқ тошларга таъзим бажо келтиришар. Гўё Ҳожикентнинг улкан тошларида буюк авлиё-анбиёларнинг руҳи ва ўтмишнинг шаклу шамоили муҳрланиб қолгандек. Яхшилаб тикилсангиз уларнинг қиёфасини кўзингиз илғайди.

Маҳаллий аҳолининг ҳикояларини диққат билан тинглаш ҳам фойдадан холи эмас. Ахир, қадимий афсоналар шунчаки, ҳикоя, ривоят эмас, балки, асрлар давомида бир-бири билан қоришиб, уйғунлашиб кетган тарихий ҳақиқат.

Улар то ҳануз кўҳна ёдгорлик ва ҳудудларга вақт ва ҳаёт руҳини бахш этиб туради. Шунинг учун ҳам қадимий харобалар, хоҳ Греция ёки Италия, хоҳ Миср ёки Бўстонлиқнинг тарихий ёдгорликлари бўлсин, бутун дунё халқларини ўзига ром этиб, чорлаб келади. Жаҳон маданияти тараққиёти учун уларнинг аҳамияти беқиёс. Гап фақат сайёҳлар оқимида. Улар ҳали Ўзбекистоннинг беҳисоб ва бебаҳо қадимий ёдгорликлари ҳақида кўп нарса билмайдилар. Таъбир жоиз бўлса, бу борада Ўзбекистонни катта шон-шуҳрат, сайёҳларни эса ҳайратомуз кашфиётлар кутмоқда.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси раиси.**

**СУРАТЛАРДА:** Ҳожикентдаги тош асрига мансуб ғор уйлар; минг йил умр кўрган кўҳна чинорлар.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

## ФУТБОЛ

**Футбол бўйича олий табақа жамоалари ўртасидаги баҳслар поёнига етай деб қолди. Шунинг учун бўлса керак, учрашувлар ниҳоятда шиддатли ва муросасиз ўтмоқда. 22-турнинг қизиқарли учрашувларидан бири Бекободда бўлиб ўтди.**

# «МЕТАЛЛУРГ» – КУЧЛИ БЕШЛИКДА!

Бу сафар вилоятимиз вакили "Металлург" "Андижон" жамоасини қабул қилди. Учрашув кутилганидек, мезбонларнинг кескин ҳужумлари билан бошланди. "Андижон" дарвозаси олдида кетма-кет хавфли вазиятлар юзага келди. Шундай фаол ҳужумлардан бири 20-дақиқада гол билан якунланди. Меҳмонлар дарвозаси устунидан қайтган тўпни ҳужумчи Илья Коваленко совуққонлик билан рақиб дарвозасига йўллади.

Шундан сўнг ўйин янада шиддатли тус олди. Турнир жадвалида ёнма-ён бораётган жамоалар навбатма-навбат ҳужумга ўтишди. Афсуски, биринчи бўлим охиригача "Металлург" ҳисобни ушлаб тура олмади. Учрашувнинг 38-дақиқасида меҳмонларнинг кескин қарши ҳужумларидан бири гол билан якунланди.

Иккинчи бўлимда майдон эгаларининг ғалабага бўлган иштиёқи жуда кучли эканлиги яққол сезилди. Бўлим бошларидаёқ, аниқроғи 55-дақиқада Илья Коваленко меҳмонлар дарвозасига иккинчи тўпни киритди. "Андижон" жамоасида ҳам кўплаб қулай имкониятлар бўлди. Аммо шу куни "Металлург" дарвозабони Маъмур Икромов ўйин қаҳрамонига айланди. Айнан унинг маҳорати туфайли 2:1 ҳисоби учрашув охиригача ўзгармади.

"Металлург" ўз ҳисобидаги очколари сонини 33 тага етказиб, кучли бешликда бормоқда.

Яна бир вакилимиз "Олмалиқ" Тошкентда "Пахтакор"га қарши ўйнаб, 0:2 ҳисобида ўйинни бой берди.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасида "Даладаги қуёш нури" мавзусида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, рассом Александр Батиковнинг шахсий кўргазмаси очилди.**

# ДАЛАДАГИ ҚУЁШ НУРИ

Рассомнинг ижод тўпламидан акварель этюдлари, гравюра, пейзаж ва бошқа жанрларга оид юздан ортиқ ижодий ишлари ўрин олган. Бундан ташқари, рассом асарлари нафақат юртимизда, балки халқаро кўргазмаларда намойиш этилган.

Рассомнинг кўргазмада намойиш қилинаётган асарлари, унинг декорация, портрет, пейзаж, натюрмортлари ва саҳна учун чизилган эскизлари ҳаётийлиги билан ажралиб турибди. Шунингдек, кўргазмадан рассомнинг мазкур жанрларда ишланган 30 дан ортиқ энг сара асарлари намойиш этилмоқда.

**«Туркистон-пресс».**

**Аҳмад Аббос, ҳинд ёзувчиси**

# ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Унинг исми Раҳимхон бўлса-да, қишлоғида унга ўхшаган тошбағир инсон топилмасди. Ҳамқишлоқлари ундан зир титрашарди. На инсонларга, на ҳайвонларга раҳм-шафқат қиларди. Оллоҳ унга куч, қудрат, келишган алп қомат берган-у, бироқ меҳрни дариғ тутган эди.

Бир куни темирчининг ўғли Рамуни ҳўкизининг думига тикан боғлангани учун роса дўппослади, қишлоқ оқсоқолининг моли даласига киргани учун таёқ билан қонга белангунича урди. Маҳалладоши Бинду азбаройи болаларга жони ачиганидан "Раҳимхон, оғайни, ёш болаларга раҳминг келмайдими, шунчалик урасанми?" дегани учун чунонам калтакладики, оқибатда ҳамқишлоқлари у билан умуман гаплашмай қўйишди.

Одамлар уни ақлдан озган, жиннихонага юбориш керак дейишарди-ю, лекин бунга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди. Сабаби, ҳеч ким қасоскор ва қаҳрли Раҳимхон билан ёвлашишни истамасди. Ҳамқишлоқларининг муносабати эса уни қизиқтирмасди ҳам. Ўзининг фикри, дунёси ва дала юмушлари билан банд эди.

Даладан кечқурун уйига қайтгач эса, хотин ва болаларини калтакларди. Кечаси билан қўни-қўшнилар унинг бақир-чақириғи, калтакланганларнинг йиғисини эшитишарди-ю, аммо қўлларидан ҳеч нима келмай, ачиниб, хўрсинишарди.

Калтак еяверганидан қирқ ёшли хотини қари кампирга ўхшаб қолган. Ўн иккига кирган ўғли отасининг зулмларига чидай олмай, тоғасиникига қочиб кетди, икки йилдан сўнг эса кичик ўғли ҳам акасининг ёнига борди.

Болаларсиз, бунинг устига золим эрнинг калтакларидан эзилиб кетган хотини ҳам "Раҳимхоннинг уйини елкамнинг чуқури кўрсин", дея онасиникига кетиб қолди.

Энди унинг иссиқ-совуғидан хабар оладиган ҳеч кими қолмади. Хотини ва болаларининг ҳеч қачон қайтиб келмаслигини тушуниб етганида кечиккан эди. Шуларни ўйлаб, ўша кеча туз тотмади, ҳатто, бир қултум сув ҳам ичмай ухлади.

Эртаси куни одатдагидан кечроқ уйғонди. Эчкиларни соғиб, сутини ичди, чилим чекиб, яна ўрнига чўзилди. Кулбасининг деворидаги ўргимчак тўрига кўзи тушиб, кайфияти бузилди. Ёғоч устига латта ўраб, тозалай бошлади. Шунда бурчакдаги қалдирғоч инини кўриб, тўхтади. Оёғини кўтариб, қалдирғоч инига қўлини тиққан эди, она қалдирғоч чўқиб олди.

Шундан сўнг у ҳар куни қалдирғоч инини кузатадиган бўлди. Полапонлар қанот чиқариб уча бошлаганларида, уларни ўғилларининг исми билан атай бошлади. Шу кундан бошлаб қалдирғочлар унинг ягона ҳақиқий дўстларига айланди. Негадир беозор ва чиройли қушларга унда меҳр уйғонди. Ҳатто, ҳўкизларини калтакламай қўйди. Хотини ва болаларини соғиниб, ширин хаёлларга берила бошлади. Шундай кезларда қалдирғочлар чуғурлашиб, боши узра чарх ураркан, қалбида илиқ бир туйғу пайдо бўлганини сезиб, юзи табассумдан ёришарди.

Кунлар шу зайлда ўтди. Раҳимхон ҳўкизларини олдига солиб, даладан қайтаркан, бир тўп болаларнинг қизиқ бир ўйин билан машғуллигини кўрди. Унинг аслида болалар билан иши йўқ эди. Аммо норасидалар уни кўрибоқ, қочиб кетишди.

Раҳимхон сесканиб кетди: "Мен шунақа золимманми", дея ўйлади. Унинг саволига гўёки жавоб бўлиб, чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлади. Бир оздан сўнг шариллатиб ёмғир қуйиб берди. Ҳўкизларини оғилхонага боғлагач, ҳувиллаган уй эгаси хонага кириб, чироқни ёқди. Суви қочган нонни ушатиб, қалдирғочлар инига яқин бўлган токчага қўйди. "Эй Бинду! Эй Нуру!" деб қалдирғочларни чорлади. Қушлар кўринишмади. Инига қараса, томдан чакка ўтиб, ёмғир сувига тўлиб турибди, қалдирғочлар эса бир-бирига ёпишиб, ин четида ўтиришарди.

Раҳимхоннинг қушларга раҳми келди. Деворга нарвонни тираб, томга чиқди ва тешик жойни лой билан сувоб қўйди. Кўнгли хотиржам бўлиб, хонага кирди. Негадир эти увишиб, аксирганича, кўрпага ўранди. Шу ётганча қанча вақт ўтганини билмайди. Кўзини очганида иситмадан аъзои бадани оташ бўлиб ёнарди.

Шу алфозда яна икки кун ўтди. Далада кўринмагани учун ҳамқишлоқлари ундан хавотир олиб, қишлоқ оқсоқоли бошчилигида уйига кириб келишди.

Хонада қалдирғочлар, кўрпа ичида эса Раҳимхоннинг хаста ва ҳазин товуши эшитиларди: "Эй Бинду, эй Нуру, қаердасизлар? Сизларга энди овқатни ким беради?"

– Бечора ақлдан озибди. Эртагаёқ шифохонага хабар берайлик, жиннихонага олиб кетишсин, – деди оқсоқол ачиниб.

Эртаси куни ҳамқишлоқлар шифокорлар билан Раҳимхоннинг уйига киришганида жони узилиб бўлган эди.

Оёқлари томонида эса тўрт қалдирғоч бошларини эгиб туришарди...

**Ҳинд тилидан Баҳодир ИСМОИЛОВ таржимаси.**

## СУД ЗАЛИДАН

# ЖИНОЯТГА МУНОСИБ ЖАЗО

**Чиқаси келса, эгаси сабабчи, дейишади.**

**Бу мақолни фақат мол-мулкка нисбатан эмас балки, инсон ҳаёти ва турмушининг барча соҳаларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Масалан, маънавий-ахлоқий қиёфага, ўзаро ишончга, ижтимоий нуфуз ёки одоб-ахлоққа. Вилоят педагогика коллежининг мусиқа кафедраси мудири Ғиёс Илёсов ҳаётида шундай ҳолат юз берди.**

Ўн саккиз йилки, у шу таълим-тарбия даргоҳида ишлаб келарди. Ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш, янги педагогик технологиялар ва илғор таълим усулларини эгаллаш, улардан дарс машғулотларини ташкил этишда ўринли фойдаланиш йўлидаги изланишлар унга муайян обрў-эътибор келтирди, бундан тўрт йил муқаддам мусиқа кафедраси мудирлигига тайинланди.

Афсуски, шу сабаб нособит кўнгил ҳавойи кўчаларни тусаб қолди. Устоз педагог сифатидаги фаолият, не-не мураббийлар ҳар бир сўзини қўл қовуштириб тинглашлари уни ҳаволантириб юборди. У қандай ноқобил йўлларда айланишганини кафедранинг педагог-ўқитувчилари яхши билишади.

Бироқ, Ғиёс Илёсов кўрабила туриб содир этган бир воқеа сабаб бўлди-ю, унинг барча тоат-ибодатлари ҳавога учиб, топган обрў-эътиборию нуфузининг "чиқаси келди". Тарозининг бир палласига унинг шунча йиллик меҳнат билан топган ижтимоий обрў-эътибори, бир палласига ... 100 минг сўм пул қўйилди. Ва, иккинчи палла босиб кетди.

Ҳаммасига ўзи сабабчи. Шундай бўлмаса, "ҳаром луқма"дан ҳазар қилмасмиди?

Қисқаси, ҳаётда машъум из қолдириб, уни "ҳийла олис" жойларга жўнатилишига сабаб бўлган ўша воқеа одатдаги таъмагирликдан бошланди. Ҳаммаси балои нафс йўриғига тушиб, хизмат хонасига мусиқа фани ўқитувчиси Наргиза Ҳасановани таклиф қилиши, унга дарс соатлари қисқартирилажаги, лекин бундай қилмасликнинг "йўли" борлигини шипшитишдан бошланди.

– Апрель ойининг охирларида кафедра мудири мени хонасига чақириб, ойлик маошим қисқартирилаётганлигини айтди, – деди Наргиза Ҳасанова кейинчалик судда гувоҳлик бериб. – Дарс соатлари қисқартирилса, ойлик машоим деярли 2,5 баробар қисқариб, 120 минг сўмга тушиб қоларкан. Кафедра мудирининг гапидан тушундимки, 50 минг сўм келтириб берсам, дарс соатларимга дахл қилинмас экан.

– Агар 50 минг сўмни олиб келмасанг, келаси ўқув йилида бир соат ҳам дарс ололмайсан, – деди мудир иккиланиб турган Ҳасановага "гап тамом" дегандек.

Тўғри, таъма қилинаётган пул арзимас миқдорда. Лекин йўқни йўндириб бўлмайди. Ўша кезлари оиласи бирмунча моддий қийинчиликни бошдан кечираётган Ҳасанова айтилган маблағни дарҳол Ғиёс Илёсовнинг қўлига тутқазиб қўёлмасди. Боши қотиб қолган Наргиза Ҳасанова шундай вазиятда ёрдам сўраб вилоят миллий хавфсизлик хизмати бошқармасига мурожаат қилди. Ҳаммаси оддий тарзда кечди. 7 май куни вақт пешиндан оғганида Наргиза Ҳасанова мусиқа кафедраси мудирининг хонасига кириб борди.

– Қарзимни олиб келдим, – деди-да 100 минг сўм пулни мудирга тутқазди. – 50 минг сўмини Альбина Ҳошимова бериб юборди...

Мудир бу пулларни чўнтагига солишга улгурмай, ўқитувчи хонадан чиқиши билан вилоят миллий хавфсизлик хизмати ва прокуратура ходимлари кириб келишди.

Холислар иштирокида воқеа расмийлаштирилиб, Ғиёс Илёсов қамоққа олинди. Бу иш жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судида кўриб чиқилди. Собиқ кафедра мудири таъмагирликдан иборат айбига қисман иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини айтиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд тергов материаллари билан танишиб, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва бошқа асосли далилларни, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, Ғиёс Илёсовни уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Жазо умумий тартибдаги колонияларда ўталиб, кейин бир йилгача мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Чиқаси келса, эгаси сабабчи, дегани шуда.

**Кабир ҲАМИДОВ.**

## РАССОМ ХАНДАСИ




Юқоричирчиқ тумани, Ийк-ота қишлоғи манзилида жойлашган "DIBA TOSHKENT" шўъба корхонаси номига маданият саройи бино ва иншоотлар учун берилган № 11-14-02-01-01-0151 кадастр рақамли ва 16.02.2007 йилда ТА-0293148 серия рақамли гувоҳнома, шунингдек, асос: Республика кўчмас мулк биржаси, Тошкент шаҳар савдо майдончасининг 2006 йил 30 октябрдаги Б-126/028/0-5159-сонли олди-сотди шартномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный гувохнома реестровый № 001096-01 от 26.06.2006г., выданный ООО "QODIR ODIL BIZNES", расположенного по адресу: г. Ташкент, Учтепинский р-н, 1-проезд Ибрат, дом 8,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный план квартиры на имя Циганова Александра Ивановича, выданный БТИ Учтепинского района по адресу: Чиланзар-21, д. 11 кв. 32,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ИП ООО "ANSHER SECURITIES" сообщает об уменьшении уставного фонда с 122 442 948,95 сумов до 2 300 000 сум.

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "AZARRO LUX" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 39 000 000 сўмдан 12 000 000 сўмга камайганлигини маълум қилади. Тел.: 488-35-22.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 31.12.2009 йилда № 05-08481 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 601423784) якка тартибдаги тадбиркор Туйчиева Нилуфар Гафуровнага тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
Навбатчи **Шоҳруҳ ҲАКИМОВ**
Саҳифаловчи **Умид УБАЙДУЛЛАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-940. Адади 5610. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1234